

Девоний (тахаллуси; асл исм-шарифи Мухаммадкомил Исмоил Девон ўгли) (1887, Хива якинидаги Сангар кишлоги — 1938, Тошкент) — шоир. Хивадаги Арабхон мадрасасида таълим олган, форс тили, хаттотлик санъатини ўрганган. Феруз саройида бирмунча вақт котиблик қилган. Шеърларида замона носозликларини танқид қилган, маърифатпарварлик гояларини илгари сурган («Афсус» радифли ва б. шеърлари). Шоир ижодига Табибий («Мажмуат уш-шуаро») ва Лаффасий («Тазкираи шуаро»)лар юкори баҳо берганлар. Девонийнинг девонлари асл нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти (инв. № 901, 906, 1142) ва ўгли Хамза Комиловнинг шахсий кутубхонасида сақланади.

ГАЗАЛЛАР

Ёрсиз кечган куним бир тийра зиндондур манга,
Лаъл ранг май ўрнига кўнглум тўла кондур манга.

Варзишим фуркат аро оромсиз шаб то сахар,
Ханда ўрнига надомат бирла афгондур манга.

Келмангиз теграмга эмди, эй саломат ахли ким,
Сели ашким бирла олам турфа тўфондур манга.

Кайда борсам йигламок бирла жунуним тавридин,
Олам ахли минг кўз ила ваҳки хайрондур манга.

Токи ул дилдор базми васлидин бўлдум йирок,
Айшу рохатдин ёвукрок эмди хижрондур манга.

Дашти ваҳшат ичра кирдим айтингиз, ахбоблар,
Бўлмоғум сизларга улфат кайда имкондур манга.

Шиддати ранжу аламдин музтариб холим кўруб,
Хайрат ила давр эли хар лахза гирёндур манга.

Дод килсам илкидин хар дамда ман эмас ажаб,
Боиси зулму ситам ул лаъли хандондур манга.

Ёр васлидин йирок. Девониё, ман йигламай
Найлайнким, гардиши гардун гардондур манга.

* * *

Ох ким, эй дилрабо, хажрингда зор ўлдим санга,
Келмадинг базмим аро кўп интизор ўлдим санга.

Келгуси деб рохинг узра ўлтуриб тонг откуча,
Тортиб хижронинг гамини ашкбор ўлдим санга.

Элга бу сирри нихоним фош бўлса тонг эмас,
Дарди ишкингда ажаб мажнун шиор ўлдим санга.

Бир нафас ором топмай хар тарафга бош уруб,
Ўртаниб дарду гамингда бекарор ўлдим санга.

Топгали базми висолинг жидду жаҳд айлаб басег
Телбалардек ун чекиб, кўйингда хор ўлдим санга.

Фуркатинг дардин чекиб, ошуфталигдин сарбасар,
Ихтиёрим йүк килиб, беихтиёр үлдим санга,

Етмайин васлингга айлаб изтироб хаддин фузун,
Тортголи мунча алам кайдин дучор үлдим санга.

Вахки хар офатни жавринг шиддати бирла чекиб,
Тиги хажринг бирла охир дилфигор үлдим санга.

Барча ушшокингни лутфинг бирла килдинг мўътабар,
Вахки ман Девонийдек беэътибор үлдим санга.

* * *

То айлади кўз мехри жамолингни тамошо,
Жон кишварига тушди гаминг бирла аоло.

Акл ила хирад бўлди жудо телба кўнгулдан,
Зулфинг сияхи бирла тушуб бошима савдо.

Васлингга етургил мани дил хастани эмди,
Холимга тараххум килиб, эй дилбари барно.

Кўнглум аро йүк зарра каби сабр ила токат,
Чун ўртаниб ишкинг ўтидин булбули шайдо.

Андуху бало чеккуси хижрон туни бехад,
Хар кимки килур дилбари васлини таманно.

Не бўлгуси бу кулбаи ахзонима келсанг,
Меҳр ила вофо расмин этиб бир кеча ифшо.

Девоний каби этмас эдим бир нафас армон,
Васлинг арр бир лахза агар топсам эди жо.

* * *

Эй ситамгар, недурур бу навъ килмоклиг жафо,
Килмайин ушшоки махзун холига меҳру вафо.

Гулъузоринг шавкида булбул каби фарёд этиб,
Айлагумдур холима субху масо афгону во.

Колмади орому токат нотавон кўнглум аро,
Бўлгали токи висолинг гулшанидин ман жудо.

Масканимга еткур ўзни интизор ўлдим базе,
Мархамат зохир килиб бир кеча, эй ширин лико.

Сокиё, тутгил карам жомин мани лаб ташнага,
Асру хуммор ўлмишам ранж ила бу хижрон аро

Фуркати оломидин фарёд килсам ногихон,
Ўртанур охим ўтига хар сахар арзу само.

Еткур ўзни ком топмок истасанг, Девонийё,
Амният оромгохи гўшаи факру фано.

* * *

Фигор этган кўнгулни тийри мужгонингга салламно,
Жахонга фитна солди чашми фаттонингга салламно.

Саросар шавкидин кон айлаган афгор кўнглумни,
Кизил гул гунчасидек лаъли хандонингга салламно.

Тараххум килмадинг дедим санга ким шархи холимни,
Дегай хар кимса кўрса чикмагон жонингга салламно.

Килиб катл ишк элини зулму бедод айладинг бунёд,
Жахон бўстонида, эй шўх сомонингга салламно.

Кўнгулдин сабру оромим паришон айлади охир,
Тонг эрмас гар десам зулфи паришонингга салламно.

Чу аввал аҳди маъшук айлабон сўнг минг жафо килди,
Манга ёлгондин этган аҳду паймонингга салламно.

Фироки шиддати шархини девонингга бер тартиб,
Дегай, Девонийё, назм аҳли девонингга салламно.

* * *

Кулбама кел, мақдамингга йўк ила борим фидо,
Не йўк ила бор, балки жони беморим фидо.

Бир кўруб то суратингни айладим сар-то бапо
Дини исломимни, эй хуршиди рухсорим, фидо.

Сўргали холи харобим масканимни маскан эт,
Сарбасар бўлсун санга пинхону изхорим фидо.

Мархамат зохир кил эмди, жону кўнглумдин асар,
Колмайин бўлди сенга, эй чашми хунхорим, фидо

Бог аро кирсанг агар сарве ўзини килгуси,
Коматингга хар нафас, эй сарви рафторим, фидо.

Жонини курбон этиб шавкинг била субху масо,
Килмогон борму ўзин дахр ичра, эй ёрим, фидо.

Жону дилни садканг айлаб, айладим Девонийдек,
Хам матон васфинга накди ашъорим фидо.

* * *

Ёндим гамингдин сарбасар рахм айлагил, эй дилрабо,
Хажринг тунидин кўзларим зулфинг каби бўлди каро.

Недур гунохим, эй пари, ман нотавонинг билмадим,
Тун-кун килурсан холима рахм айламай жавру жафо.

Хар неча жон килса фидо афсуским ишк ахлига
Хижрон аро хусн ахлидин бир заррадек йўқдур вафо.

Мухлик фироки ичра гар фарёд килсам не ажаб,
Ул сангдилдин бўлмади харгиз мани комим раво.

Ман хастага бокмай даме ул мох пайкар дам-бадам,
Кўргузгуси агёрга хаддин фузун лутфу ато.

Яъкубдек субху масо ул мохи Канъондин йирок,
Байтул-ахзанда иш манга чекмак эрур ранжу ано.

Бехуда меҳнат чекмагил махзун ўлуб, Девониё,
Хусн ахлидин меҳру вафо умидидур айни хато.

* * *

Вах недин жавр килурсан, дегил, эй ёр, манга,
Еткурур дарду гаминг дам-бадам озор манга.

Фуркатинг шиддатидин ўлмакка ётдим, лекин
Бўлмадинг хажринг аро сирдошу гамхор манга.

Бу хазин холима бир зарра тараххум килмай,
Дам-бадам жавру жафо айлагунг изхор манга.

Юзларинг шавкидин ўт кўнглум аро шуъла уруб,
Хажр аро дарду гаминг бўлдики бисёр манга.

Кирпикинг ханжари кўнглумни баче килди яро,
Эмди раҳм айлагил, эй шўхи ситамкор, манга.

Килмасанг лутфу карам холима, эй шўх, агар,
Эмди жон асрамок хижрон аро душвор манга.

Хар сахар оҳим ўти чархи фалакка етушур,
Базм этиб тарки ситам айлаки дилдор манга.

Зулм этиб бошим уза дарду бало еткурадур,
Бир тараф хажринг ўти, бир тараф агёр манга,

Фирокинг шиддатидин англа чу Девоний каби
Айламак боис эрур мухтасар ашъор манга.

* * *

Эй пари, келмасму раҳминг чашми гирёним кўруб,
Жавру зулминг бирла хар дам ўтлуг афгоним кўруб.

Йиглашурлар дам-бадам аҳли саломат даҳр аро,
Мухлик хижронинг. аро бу холи вайроним кўруб.

Ишк таркин майл этибдурлар бори ишк ахликим,
Фуркатинг ичра менинг хотир паришоним кўруб.

Бахри хайрат ичра гарк ўлмишдурур ахли хирад,
Шоми хижронинг аро ахволи хайроним кўруб,

Барча олам халки хар дам холима тахсин деюр,
Бу сифат ранжу аламда чикмагон жоним кўруб.

Тонг эмас мурги сахар маъдум килса ноладин,
Хажр аро хар дам мени бу холи нолоним кўруб.

Ваҳки Девоний каби ошуфтадурман раҳм кил,
Васлинга етмакда килгон касду жавлоним кўруб.

* * *

Дедим: гирифтор айладинг анвори хуснинг кўрсатиб,
Дедики: куйдургум сани хажр ўти бирла ўртатиб.

Дедимки: тинмай васлинга фуркат ўтидин зорман,
Дедики: еткунг васлима Мажнунга ўзни ўхшатиб.

Дедимки: эй дилбар, манга жилва килурсан не сабаб,
Деди: халок эткунм сани кошу кўзумни ўйнатиб,

Дедим: лабингни шарбати шавкидин ўлдим хажр аро,
Дедики: жон топгунгдурур васлим аро они тотиб.

Дедим: фирокинг дардин жисмим фигор ўлди бaсе,
Деди: фигор этдим они килдинг галат новак отиб.

Дедимки: жон накдин берай бир бўса бер лаълинг учун,
Дедики: бил жон накдига харгиз они бўлмас сотиб.

Дедимки: етсам васлинга Девонийдек не хол ўлур,
Дедики: маст ўлгунгдурур то субхи махшарча ётиб.

* * *

Субху масо гул васлини айлаб таманно андалиб,
Сахни чаманни ўзига чун килди маъво андалиб.

Дашти жунунга юз кўюб, фарёд этиб Мажнун киби,
Орому сабрин гам била хам килди ягмо андалиб.

Парвонадек сар-то бапо шавки шарарга куйгали,
Ул оташин гул ишкидинким бўлди шайдо андалиб.

Тортиб туман озорлар ранжу таабдин айлади,
Олам аро юз шўру шар бошига барпо андалиб.

Ишк ўти бирла ўртаниб, айлаб фигону нолалар,
Бог ичра солди шавкдин юз шўру гавго андалиб.

Килгоч тамошо ногихон гул оразин гулшан аро,
Хар дамда юз турлук наво чун килди пайдо андалиб.

Айлаб базе оху фигон Девонийдек тинмай даме,
Завк ўти бирла ёндиким кул бўлди гўё андалиб.

* * *

Ман хаста холин, эй сабо, хуршиди тобонимга айт,
Ўлдим гамидин хажр аро яъники султонимга айт.

Бир-бир баён айлаб кўзум ашк ўрнига кон тўкконин
Хам хотирим ошуфтасин зулфи паришонимга айт.

Шархи фирокида тилим лол ўлгонин сар то бапо,
Айлаб тараххум холима шўхи сухандонимга айт.

Бир сўрмади холи дилим лутфу карам изхор килиб,
Ёндим гамидин сарбасар ул чашми фаттонимга айт.

Сабр этгали хижронига харгиз қарорим колмади,
Дарду аламлар захматин ошуби давронимга айт.

Бир келмади кулбам аро бўлди пушаймон ё магар,
Ким айлаб эрди ваъдалар ул аҳди ёлгонимга айт.

Бир сори хажри шиддати, бир сори хам агёри шум,
Килмас жафо таркин манга бир лахза жононимга айт

Бу тийра кулбамга келиб мехри жамолини очиб,
Килсун мунаввар бир кеча шамъи шабистонимга айт

Девонийдек килгум дуо хаккинда ман субху масо,
Ман хаста холин, эй сабо, хуршиди тобонимга айт.

* * *

Чекиб ул ой гами хажридин офат,
Кўнгулда колмади бир зарра токат.

Манга зулму ситамлар зохир айлаб,
Тонг эрмас дахрдин килсам шикоят.

Муродим топмадим ёр оллида ким,
Вале агёрга айлар иноят.

Неча бедод килса чархи золим,
Тахаммул айламакни айла одат.

Топар албатта кому максadini
Кишига бўлса фан расми каноат.

Сўранг, эй васл эли, ул дилрабодин,
Ки хижронига бордурму нихоят.

Бало дашти аро саргаштадурман,
Кўруб Девонийдек ранжу машаккат.

* * *

Недин кўп муддат ўлди, эй паризод,
Ки ман афтодани хеч килмадинг ёд.

Фирокинг ичра андух шиддатидин
Хазин холимга ишдур оху фарёд.

Вафоу меҳр этиб аввалда беҳад,
Килурсан не са.бабдин эмди бедод.

Жамолинг неъматидин, эй париваш,
Хазин ошикларингни килма ношод.

Вафо ахлига зинхор, эй ситамгар,
Вафо килгил, жафо ўрнига бунёд.

Коронгу масканим хажр окшомида
Висолинг шамъи бирла айла обод.

Чекиб ўтлуг наво тун-кун гамингдин,
Килибман сабру оромимни барбод.

Карам зохир килиб бир кеча, эй шўх
Кил эмди хажр зиндонидин озод.

Етарсан васлига, Девоний, охиста,
Жафосини чекиб бас килмагил дод,

* * *

Эй пари, ишкинг гамидин айлаб афгон хар сахар,
Айладим элдин нихон ашкимни тўфон хар сахар.

Келмадиму зарра рахминг токат этмай, эй пари,
Хасрату охимга ушбу чархи гардон хар сахар.

Партави хуснингдин ойру тийра хижрон ичраким,
Айлади жаври гаминг холимни вайрон хар сахар.

Гўшаи хижронинг ичра топгали гамдин амон,
Йигладим ахволима борича имкон хар сахар.

Фуркатинг андухидин бир дам фарогат топмадим,
Чунки хажринг ханжари кўнглум килиб кон хар сахар.

Ранж ила мехнатдин асру зор эрурман ўртаниб,
Кил тараххум холима, эй мохитабон, хар сахар.

Хажр аро шавки гаминг беҳад ситамлар еткурур,
Айлади Девонийдек кўнглум паришон хар сахар.

* * *

Ул ситамгарким, жафо расмини муътод айламиш,
Ишк эли сабр ила оромини барбод айламиш.

Заррадек меҳрини кўрмай зулму озорин чекиб,
Давр эли харён кўрунгим, илкидин дод айламиш.

Кайда ором айлагум ул нозанини жаврфан,
Ким мани мажнунга беҳад зулму бедод айламиш.

Ошики бечорага жавр айлабон субху масо,
Муддаийни базми васлида вале шод айламиш.

Ул парининг ўзларига барча махвашлар кўринг,
Дилраболик шевагин билмакда устод айламиш.

Не ажаб, Девоний, гар шиква килсам бу фалак,
Чунки туз ахлига кажравликни ижод айламиш.

* * *

Жавру зулмини манга бу кун аён этди фирок,
Коматим хам килдию кўнглумни кон этди фирок.

Сабру оромим олиб хам бу бузук кўнглум аро,
Дам урорга захра кўймай нотавон этди фирок.

Охим ўтидин шарор оламга тушса тонг эмас,
Тиги жаврини бошим узра равон этди фирок.

Нола килсам холима шаб то сахар эрмас ажаб,
Окибат ман нотавонга касди жон этди фирок.

Хар на бўлса меҳнати ранжин манга фош айлабон,
Лек жавридин ракибимни амон этди фирок.

Ўлголи етдим хаводис зулмидин, ахбоблар,
Дилни хун, коматим андок камон этди фирок.

Бу ситамга чора не килгумдурур, Девониё,
Ман хазинни заррадек кўздин нихон этди фирок.

* **

Бу окшом кулбам ичра лутф этиб, эй махлико, келгил,
Чекиб дарди фирокигни бўлубман мубтало келгил,

Билиб хижрон аро афтода холим дарди ишкиндин,
Кўнгул мулкани вайрон айлади хайли бало келгил.

Шаби хижрон аро доим ёкиб уммид чирогини,
Эрурман интизоринг раҳм этиб, эй дилрабо, келгил.

Саросар жаври хажрингдин хаётим мункатиъ бўлмиш,
Мани махзунга эмди килиб тарки жафо келгил.

Етушмай жоми васлингга базе хуммор ўлубдурман,
Висолинг бодасидин килгали комим раво келгил.

Хазин кўнглумни хижрон бандидин озод этиб лекин,
Килиб лутфу карам беҳад тутуб расми вафо келгил.

Муяссар бўлмади мани зорингга висолинг туни харгиз,
Кадим дарду гаминг остида бўлди мисли «ё» келгил.

Фирокинг шиддати бирла базе афтода бўлмишман,
Паришон холима, эй жон, килиб лутфу ато келгил.

Балоу гам аро Девонийдек махзун ўлубдурман,
Бу окшом кулбам ичра лутф этиб, эй махлико, келгил.

* * *

Ман санга айлай бори холимни изхор, эй ҳаким,
Сан вале фош этма бу сирримни зинхор, эй ҳаким.

Беадад килдинг давои вах нечук суд айласун,
Ким эрурман ишк дарди бирла бемор, эй ҳаким.

Бу маризи ишқдин сиххатлигим мумкин эмас,
Бермагил ман хастага беҳуда озор, эй ҳаким.

Ушбу мухлик дардима гар нола хилсам хар сахар,
Андаке сокин этар фарёд ила зор, эй хаким.

Ўлмайин харгиз халоси топмагин имкони йўк,
Кимсаким гар бўлса бу дард ила дучор, эй хаким.

То лабининг шарбатин нўш айласам васли аро,
Ушбу дорулар менинг хаккимда бекор, эй хаким.

Кўйгил ўз ахволима, жохиллик изхор этма кўп,
Ким килур доруларинг дардимни бисёр, эй хаким.

Хожатим йўк дард учун доруларингга заррадек,
Чун менинг дардимнидур доруси тайёр, эй хаким.

Етмайин хасрат чекарман рўзу шаб Девонийдек,
Токи бўлдум бу мараз бирла пирифтрр, эй хаким.

* * *

Кўзум кон тўкмаги хижрон аро ранжу машаккатдин,
Паришон бўлмоки кўнглумни хам андухи фуркатдин.

Дамодам нотавон холим кўруб айб этманг, эй ахбоб,
Кадимни хамлиги хижрони ичра бори мехнатдин.

Тилаб айшу тараб юз урмангизлар сухбатигаким,
Касофат етгуси даврон аро нобоб улфатдин.

Каноат пеша бўл, килма тамаъ ахли хасосатдин,
Агарчи берса бир нон ўлтурур албатта миннатдин.

Жунун дашти аро гар юз бало хар дам гулув айлар,
Тиларсан айшу ишрат кочмагил албатта захматдин.

Десанг эмин бўлай доим гаму оломи даврондин,
Даме бош чекмагил, Девониёким, хоки узлатдин.

* * *

Бўлмаса базм ичра жонон, ўзга дилбарни нетай,
Орази мехридин ойру мохи анварни нетай.

Дахр аро саъй айлабон гар жоми васлин топмасам,
Маст ўлурга жом аро гулгуна согарни нетай.

Сарв янглиг коматига килмасам наззораким,
Гулшани олам аро сарву санубарни нетай.

Килма, эй носих, манга жаннатда кавсар васфини,
Чун лаби шахдидин ойру оби кавсарни нетай.

Бўй этарга базм аро шабранг зулфидин йирок,
Бог аро райхон ила хам сунбули тарни нетай.

Кўрмасам лаъли лабин базм ичра, эй ахбоблар,
Айламанг таърифини ёкути ахмарни нетай.

Дахр аро Девонийдек гар дурри нуткин топмасам,
Инбисоти дахр ила тахти Скандарни нетай.

* * *

Тушуб бошимга хажрида ул ой зулфини савдоси,
Кўзум хун тўккуси хардам хазин дил зори шайдоси.

Таним урён кўруб кўйида айб этманг мани, ахбоб,
Басе холимга каттиг бўлди гам хайлини ягмоси.

Нетонг дод айласам сахройи гурбат ичра холимга,
Ки йўқдур ман хазиндин ул парини зарра парвоси.

Ракибимнинг кулогига етар кўйита гар борсам,
Килиб итлар била жангу жадал ман телба гавгоси,

Кел, эй сокий, кадах тутгил харобот ичра эмдиким,
Ўзумни айладим ишки гамидин дахр расвоси.

Кўруб девоналигда, носихо, айб этма харгизким,
Хазин кўнглумда бордур васли базмини таманноси.

Ажаб йўк муддаийни айласам, Девониё, эъзоз,
Кавий бўлса, кишини дахр аро йўк чора, аъдоси.

* * *

Дахр аро ман чекмаган кайгу била гам колмад»,
Йигламокдин кўзларимда катраи нам колмади.

Бир нафас мунглог кўнгул сиррин десам чарх илгидии,
Ваҳки бир даврон аро сирдошу хамдам колмади.

Гусса чекмоқда кўруб афсурда махзун хотирим,
Хасрату гам чекмаган холимга одам колмади.

Турфа йўқдур нола килсам сарв янглиг коматим
Бўлмайин хижрон гами бори била хам колмади.

Зохир этмакликда хар лахза манинг шонимгаким,
Не эса зулми фалак кўп бўлдию кам колмади.

Эмди тутдум мугтанам бу фурсат умримниким,
Сокиё, бергил фано жомин манга дам колмади.

Шахнаи гамга асир ўлмок била, Девониё,
Вой ким, махзун кўнгул бир лахза хуррам колмади.

МУХАММАС

* * *

Жунуним шўришин айб этмагил хижрон балосидин,
Жахон бир тийра уйдир дуди охимнинг каросидин,
Хабар сўрмасму хеч дилбар кўруб ўз мубталосидин,
Фигонким эмин ўлмасман даме даврон жафосидин,
Ситам кўпрок етар эркон кишига ошносидин.

Неча муддатдурур зулминг чекарман, эй пари рухсор,
Ситам тиги била кўнглум саросар айладинг афкор,
Фирокинг дардидин ўлмишдурурман ўлгудек бемор,
Эшит додимни лутф айлаб тагофул килмагил зинхор,
Хазар кил, эй ситамгар, эмди бу каддим дутосидин.

Хазину нотавонингман, маииким мунча зор этма,
Етуш кулбам сори, эй нозанин, кўп интизор этма,
Ракиби муддаийлар сўзларини эътибор этма,
Тараххум зохир эт, девонаи кўйингман, ор этма,
Муносибдур шахи олий хабар тутса гадосидин.

Вафо расмин тутуб хажрингдин озод этмадинг харгиз,
Фироким ичра бормусан дебон ёд этмадинг харгиз,
Бузук кулбам висолинг бирла обод этмадинг харгиз,
Санга тахсин! Хароб холим кўруб шод этмадинг харгиз,
Хароб ўлгусидур олам кеча охим садосидин.

Эшит арзим карамдин, эй парилар сарвари, охир,
Тўкар коним мани кирпичларингнинг ханжари охир,
Гулув килди вужудим шахрига гам лашкари охир,
Нигохи илтифотингдин етур максад сари охир,
Халок ўлмоклигим тахкик эрур кошингни ёсидин.

Хаёли коматинг сабру кароримни олур, лекин,
Дамодам жон куши кўюнг сорига уйрулур, лекин,
Фирок ичра гариб холим бори олам билур лекин,
Агар шархин килур бўлсам тилим ожиз келур, лекин,
Кўнгулни минг китоби бордурур гам можаросидин.

Бало дашти аро бўлдум асири дарду гам, келгил,
Хазин холимга тарк айлаб даме зулму ситам, келгил.
Хиромингдин килиб зохир баче лутфу карам, келгил,
Бу тун кулбам аро, эй нозанини мухташам, келгил,
Етарсан матлабингга ушбу махзунинг дуосидин.

Манга таъйин экан гўё азалнинг дафтари бирла,
Ки бу ёнмоклигим парвонадек шавк ахгари бирла,
Кўнгулни пора айлаб ранжу меҳнат ханжари бирла,
Улук янглиг йикилдим шоми хижрон сарсари бирла,
Етур кувват куёши васлингни боди сабосидин.

Жахон тўфон ўлубдур йигламокдин ашкборингга,
Тараххум айлабон фуркат аро афгону зорингга,
Ажаб эрмас куёш янглиг етушса шоми торингга,
Бузук холингни, Девоний, ракам то айла ёрингга,
Жафосини эса тортиб умид этгил вафосидин.

Навоий газалига мухаммас

Тутуб меҳру вафо расмин, манга тарки азоб айлаб,
Билиб холи харобимни, мурувват бехисоб айлаб,
Бори ушшок аро мен нотавонин интихоб айлаб,
Тун акшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

Ўзига фан килиб нозу адо расмини сар-то сар,
Юзини шамъидин хижрон тунини айлади анвар,

Кўзу кошидин эрди фитнау бедод иши азхор,
Килиб мужгонни шабравлар киби жон касдига ханжар,
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Вафо расмин тутуб кулбам аро таъжил ила кирди,
Фасохат риштасига нуктаи гавхарларин терди,
Каломи рамзидин айшу тараб осори фош эрди,
Кулуб ўлтурдию илким чекиб, ёнида ер берди,
Такаллум бошлади хар лафзини дурри хушоб айлаб.

Бало даштида айлаб рўзу шаб мажнун киби маскан,
Ишим ахволима эрди туну кун нолау шеван,
Табассум фош этиб деди манга ул дилбари пурфан,
«Ки эй зори балокаш ошиким, менсиз нечуктурсан?»
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.

Килиб лутфу карам ул нозанин, кулбамаро келди,
Гами ишки аро оху фигоном кўзига илди,
Неча муддат фироки ичра хуммор эрканим билди,
Чикарди шишаи май доги бир согар тўла куйди,
Ичиб, тутди манга юз навъ нозосо итоб айлаб.

Бериб майни дедиким: Айлагил ашкингни бас кўздин,
Бўлуб сармасти лояъкил мени махзуни бу сўздин,
Таваккуф килмайин ўлдим хаёни рафъ этиб юздин,
Ичиб, фарёд этиб туштум аёкига, бориб ўздин,
Мени йўк бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Бировким рўзу шаб хажр ичра иши бўлса гом урмок,
Чекиб ранжу миҳан, уммид этиб комин раво бўлмок,
Етушса ўзни айлаб кўйида Девонийдек туфрок,
Аниким элтқай васл уйқуси ишрат туну мундок,
Навоийдек нетар то субҳи махшар тарки хоб айлаб.

Навоий газалига мухаммас

Билмагай шавк ахли холин шавқдин кўтохлар,
Етмагай манзилга гом урмоқ бўла гумрохлар,
Хасрати хажр ила тортиб нолаи жонкохлар,
Улки солгай шуъла аъзосига ўтлуг охлар,
Кайда билгай куймакин зарбафт кийган шохлар.

Водийи гам ичра ишк ахлидин ўзга билмагай,
Бўйла холин хусн ахли харгиз кўзига илмагай,
Оху фарёдин кўруб чун зарра раҳми келмагай,
Багридин кон томгучи ушшок захмин билмагай,
Тигидин кон томгучи бераҳм олий жохлар.

Хар неча гарчи балойи ишк эрур хунрезким,
Айламай чун зарраи захмидин они пархезким,
Тешасин жон касдига айлаб дамодам тезким,
Шиддатин Фарход килгай фаҳм, йўк Парвезким,
Дардни хокийлар англар, йўк фалак даргохлар.

Равзаи дилдин фарогат гулларини юлгали,
Эйки рихлатдин фано кўйида чун гул сўлгали,
Тарки жон айлаб жунун ахлига ҳамдаст ўлгали,
Жону кўнглум кирдилар гам даштига гум бўлгали,
Ман ҳам этдим жазм, чун азм эттилар хамрохлар.

Хар нафас тиги ситам кўнглини юз катла тилур,
Хажр аро хар не бало ишк ахли бошига келур,
Чекмагунча то ани ахли саломат не билур,
Бўлсалар огаҳки, бир гамгинни хижрон ўлтурур,
Фикр этар холига хижрон дардидин огохлар.

Муддаийлар не билур фуркатда хамроҳим недур,
Шавқдин хар лаҳза чеккан нолау оҳим недур,

Бўйла суръатдин фано шахри аро жохим недур,
Вах не билгай хажр занжирида дилхохим недур,
Халка ургон базм айши даврида дилхохлар.

Сенда, Девоний, недин шарму хаёни фикри йўк,
Етгали манзил сори касди вафони фикри йўк,
Хотирингда ваҳки жуз журму хатони фикри йўк,
Эй Навоий, шохларга чун гадони фикри йўк,
Айлагил сен тенгри даргохига шайъан лиллохлар.

Огахий газалига мухаммас

Норасолар жоми васлига хумор ўлмок абас,
Кўйининг гарди била чашми губор ўлмок абас,
Халки олам таъни бирла шармсор ўлмок абас,
Шўхлар хуснин кўруб беътибор ўлмок абас,
Бевафолар васлин истаб бекарор ўлмок абас.

Хар киши кўнглини берса шўхларга ногихон,
Мехнату гам остида каддини килса чун камон.
Истаса гар лутф топмокни алардин ногихон,
Сўзларидур захри котил они шахд айлаб гумон,
Содаликдин захри котилга дучор ўлмок абас,

Йигласанг хар дам тилаб васлини бўлмок хамдами,
Йигламокдин кўзларингда колмаса катра нами,
Зарра лутф айлаб алар тарки жафо килмас дами,
Йўк аларнинг лутфидин чун шодлигининг мархами,
Йўкни истаб тиги гамдин дилфигор ўлмок абас.

Кажлик ила бу фалакни кўр карори йўкдурур,
Гам чекар ишк ахли туну кун гамгусори йўкдурур,
Шўхларга жон фидо килсанг мадори йўкдурур,
Килсалар хар ваъда онинг эътибори йўкдурур,

Алданиб ул ваъдага беътибор ўлмок абас.

Хўбларнинг йўқдур ошиқларга унсу улфати,
Хор ўлуб хижронида чекма балоу меҳнати,
Ошиқи бечорага бўлмас муяссар вуслати,
Мумкин эрмас чун аларнинг васли базми гурбати,
Бас они истаб алар кўйида хор ўлмок абас.

Сўрмагайлар раҳм этиб ушшок холин билса ҳам,
Йигламоқдин ишқ элининг кўзлари кўр ўлса ҳам,
Оху ашки ишқ элидин бу жахон гар тўлса ҳам,
Келмагайлар раҳм этиб хижронда ошиқ ўлса ҳам,
Рўзу шаб келмақларига интизор ўлмок абас.

Дилраболарни кўрунг раҳму вафо кўнглида йўқ,
Бўлгали ушшок элига ошно кўнглида йўқ,
Килгали Девоний комини раво кўнглида йўқ,
Огахий хусн ахлини раҳму вафо кўнглида йўқ,
Бас алар олдида кўздин ашқбор ўлмок абас.

МУСАДДАС

* * *

Аввал ул шўх юзи нуру зиёсини кўрунг,
Сўнгра эл катли учун кошлари ёсини кўрунг,
Жонга етган гамида дарду балосини кўрунг,
Жаврига ошиқининг сабру ризосини кўрунг,
Ваҳки ул мохлико нозу адосини кўрунг,
Жонима хар нафас озору жафосини кўрунг.

Чекмак андуҳи ситам бўлур ишим субҳу масо,

Юзланиб жони хазинимга туман дарду бало,
Килгали жоми висоли била комимни раво
Айладим кўйи аро ўзни мен телба гадо,
Ваҳки ул мохлико нозу адосини кўрунг,
Жонима хар нафас озору жафосини кўрунг.

Нетай ул шўх ўзин гайрига хамроз айлар,
Арзи холимни десам гамза била ноз айлар,
Жавр расмини мени телбага оғоз айлар,
Тилаб ишк ахли катлини таку тоз айлар,
Ваҳки ул мохлико нозу адосини кўрунг,
Жонима хар нафас озору жафосини кўрунг.

Туну кун шоми фирокида ишим афгондур,
Кон тўкуб икки кўзум хаста жигар бирёндур,
Васлига етмак хазин хотирима армондур,
Нечаким ваъда манга килди бори ёлгондур,
Ваҳки ул мохлико нозу адосини кўрунг,
Жонима хар нафас озору жафосини кўрунг.

Ногахон килса бошимдин ул шўх гузар,
Айладим итларидек гўйи харимида макар.
Токи килдим мен онинг хусну жамолига назар,
Колмади кўнглум аро сабр ила токатдин асар,
Ваҳки ул мохлико нозу адосини кўрунг,
Жонима хар нафас озору жафосини кўрунг.

Коматим айлади ё шавки кади зебоси,
Йўқдурур холи харобимдин онинг парвоси,
Хаста кўнглумда эрур ишку жунун савдоси,
Айб эмас бўлсам агар эмди жахон расвоси,
Ваҳки ул мохлико нозу адосини кўрунг,
Жонима хар нафас озору жафосини кўрунг.

Ўзни Девоний каби айламадим ахли фунун,
Холатим ишк гами бирла бўлуб асру забун,

Ихтиёр этдим ўзумга мени саргашта жунун,
Бу сабабдин букулуб коматим ўлмишдур «нун»,
Ваҳки ул мохлико нозу адосини кўрунг,
Жонима хар нафас озору жафосини кўрунг.